

ТОШКЕНТ ҲАҚИҚАТИ

САНОАТ ЯРМАРКАСИ: ҲАМКОРЛИК УЧУН ҚУЛАЙ ИМКОНИЯТ

Кеча "Ўзэкспомарказ" да Халқаро саноат ярмаркаси ва Кооперация биржаси иш бошлади. Саккизинчи марта ўтказилаётган тадбирдан мақсад, ишлаб чиқариш кооперациясини янада ривожлантириш, хўжалик юритувчи субъектларнинг буюртмалар портфелини шакллантириш, мавжуд ресурс ва захиралардан кенгроқ фойдаланиш ҳисобига ишлаб чиқариш ҳажминини янада кўпайтириш ҳамда маҳаллий ва хорижий корхоналарнинг ўзаро иқтисодий алоқалар ўрнатилишига қулай имкониятлар яратиш берилди.

Халқаро ярмарка ва биржада дунёнинг 55 мамлакатли компания ва фирмаларининг мингдан зиёд вакиллари қатнашмоқда. Етакчи саноат тармоқлари, улар учун инновация лойиҳалари ишлаб чиқарган илмий институтлар ҳамда истиқболли кичик корхоналарнинг 60 дан ортиқ марказлаштирилган тақдирот маросимларини ўтказиш ҳам режалаштирилган. Ўзбекистон саноатининг етакчи тармоқлари маҳсулотларини ишлаб чиқариш секторлари бўйича намоиш этилтир.

Тошкент вилоятининг стендлари бу ерга ташриф буюрганларда катта қизиқиш уйғотди. Корхоналар ташқи ва ички истеъмол бозорларида рақобатбардор маҳсулотларини таклиф этишяпти.

(Давоми 3-бетда).

Даврон АҲМАД олган сурат.



ИННОВАЦИОН ЛОЙИҲАЛАР АМАЛИЁТИ

самарадорлик ва
тежамкорлик
омили бўлмоқда

Чирчиқ шаҳридаги "Максам-Чирчиқ" очик акциядорлик жамиятида ишлаб чиқаришнинг техник ва технологик жиҳатдан янгиланган оид йирик лойиҳалар амалга оширилмоқда. Бу жараёнда давлатимиз раҳбарининг "2009-2014 йилларда ишлаб чиқаришнинг модернизация қилиш, техникавий ва технологик қайта жиҳозлаш бўйича энг муҳим лойиҳаларни амалга ошириш чора-тадбирлари Дастури тўғрисида"ги Қарори муҳим ўрин тутаяпти.

Хусусан, кейинги йилларда "Максам-Чирчиқ"да катта ҳажмдаги модернизация ва реконструкция ишлари бажарилди. Аммиак ва карбамид ишлаб чиқариш цехларида технологик жараёнларни бошқаришнинг автомат тизими жорий этилди. Сув инжекторлари, бўғлаткичлар, сепараторлар, тозалаш иншооти ускуналари замонавийларига алмаштирилди. Паст зичликдаги аммоний нитрат ишлаб чиқариш цехи қурилиб, ишга туширилгани жамоанинг яна бир катта ютуғи бўлди.

Айни пайтда корхона маҳсулотлари қирқ турдан ошди. Энг муҳими, улар ички эҳтиёжларни қондириш баробарида дунёнинг 30 дан ортиқ давлатларига экспорт қилинмоқда.

Шунингдек, корхонадаги муқобил энергия манбаларидан фойдаланишга оид инновацион лойиҳалар ҳам эътиборга моликдир. Хусусан, жамиятнинг Қибрай туманидаги ёрдамчи хўжалигида ишга туширилган биогаз қурилмаси, "Кимёгарлар шаҳри"даги тиббий-реабилитация марказида қуёш батареяларидан фойдаланиш лойиҳаси шу йўналишдаги изланишлар самарасидир.

Шокир РАҲИМОВ.

2014 йил – Соғлом бола йили

ПАЛАГИ ТОЗА АВЛОД УЧУН

Инсонпарварлик тамойили устувор давлат сиёсати 23 йилдирки, мустақил Ўзбекистон номини дунёларга бўйлатмоқда, жаҳон аҳли эътиборини тортмоқда. Шунданми, юртимиздан хорижлик меҳмонлар қадами узилмай қолди. Эндиликда юрт эртасини таъминлайдиган, аждодларга муносиб, ҳар томонлама баркамол авлодни тарбиялашга

қаратилган саъй-ҳаракатлар ҳам кўпчиликни қизиқтирмоқда. Аслида истиқлолнинг илк кунлариданоқ бу ишга астойдил киришилган, мамлакатимиз раҳбарининг таъбири билан айтганда, миллат генофондини асраш устувор вазифага айланган эди. Соғлом она – соғлом бола тушунчаси ҳаётимизга сингиб бораётгани ҳам шундан.

Вилоят ҳокимлиги ва хотин-қизлар қўмитаси соғлиқни сақлаш, халқ таълими, ҳуқуқ-тартибот органлари, "Маҳалла" хайрия жамоат фонди ва бошқа қатор жамоат ташкилотлари вакиллари иштирокида ўтказган тадбири республика Президентининг "2009-2013 йилларда аҳолининг репродуктив саломатлигини мустаҳкамлаш, соғлом бола туғилиши, жисмоний ва маънавий баркамол авлодни вояга етказиш борасидаги ишларни янада кучайтириш ва самарадорлигини ошириш чора-тадбирлари Дастури тўғрисида"ги Қарори ижроси бўйича ҳисоботи ва



"2014-2018 йилларда аҳолининг репродуктив саломатлигини янада мустаҳкамлаш, оналар, болалар ва ўсмирларнинг соғли-

гини муҳофаза қилиш борасидаги Давлат дастури тўғрисида"ги Қарори ижросини қатъий назорат қилиш масалаларига бағиш-

ланиб, шаҳар ва туман ташкилотлари амалга оширган ишлар ҳақидаги ҳисоботлари тингланди.

(Давоми 2-бетда).

Қишлоқ мулкдорлари

НАВБАТ БАЛИҚЧИЛИК ВА ЦЕХ ҚУРИШГА

Мустақиллик билан тенгдош "Гулбахор" фермер хўжалигини Ўрта Чирчиқ туманидагилар яхши билишади. Боиси, йириклиги, ҳосилдорлик юқорилиги, кўп тармоқчилиги ва техникасининг бутлиги билан ном қозongan. Ҳозир хўжаликнинг умумий экин майдони 237 гектар. Шундан 70 гектарида галла, яна шунча ерда пахта, қолган 97 гектарида беда ва маккажўхори етиштирилади.

Бу йил хўжалик пахтанинг "Наманган 77" навини парвартирилади. Ўтган йилларда бўлгани каби агротехник тадбирлар вақтида ва сифатли бажарилгани "галвирни сувдан кўтарадиган пайт"да қўл келди. Шартномадаги 210

тонна ҳосил ёғингарчиликка қолмай, йиғиб олинди. – Ҳали далаларимизда ҳосил мўл, – дейди фермер. – Чамалаб кўрсам, яна 30-40 тонна пахта топшириш имкониятимиз бор.

(Давоми 2-бетда).

Ўзбекистон Давлат консерваториясида халқ чолғулари бўйича "Она юрт оҳанглари" халқаро танловининг ғолиб ва совриндорларини тақдирлашга бағишланган тадбир бўлиб ўтди.

ХАЛҚ ЧОЛГУЛАРИ ТАНЛОВИ ҒОЛИБЛАРИ

Ўзбекистон Республикаси халқ таълими вазирининг ўринбосари А. Холбеков ва бошқалар Президентимиз Ислам Каримов раҳнамолигида ёш авлодни ҳар жиҳатдан билимли, соғлом ва мустақил тафаккурли, юксак маънавиятга эга вояга етказиш давлат сиёсатининг устувор йўналишларидан бири эканини таъкидлади.

Давлатимиз раҳбари ташаббуси билан таълим соҳасини тубдан ислоҳ этиш борасида амалга оширилаётган кенг қўламли ислохотлар жараёнида болалар мусика ва санъат мактабларини тубдан таъмирлаш, уларнинг моддий-техник базасини янада мустаҳкамлаш, зарур асбоб ва жиҳозлар, услубий қўлланмалар билан таъминлаш юзасидан кенг қўламли ишлар амалга оширилмоқда.

Болаларнинг ижодий-интеллектуал қобилияти ва салоҳиятини тобора юксалтириш, уларнинг истеъдодини эрта аниқлашда, миллий ва жаҳон мусика санъатининг энг юксак намуналаридан баҳраманд бўлишида турли ижодий лойиҳалар, фестиваллар, курик-танловларнинг аҳамияти бекиёс бўлмоқда.

(Давоми 4-бетда).

Бу ҳақда вилоят ҳокимлик соатларида гапирилган эди

ЧАККАГА САБАБ – ЧАККИ ИШ

Вилоят аҳолиси куз-қиш мавсумини кўнглидагидек ўтказиш учун барча зарур чора-тадбирлар қўрилмоқда. Бунда давлатимиз раҳбарининг "Вилоят иқтисодий тармоқларини 2014-2015 йиллар куз-қиш даврида барқарор ишларга тайёролашни таъминлаш чора-тадбирлари тўғрисида"ги Қарори дастуриламал бўлиб хизмат қилаётди.

Ушбу Қарор асосида барча шаҳар ва туманларда иссиқ ва совуқ сув қувурлари реконструкция қилиниб, бино йўлаклари ва том қисмлари таъмирланди. Аммо, баъзи жойларда бу муҳим иш ҳалигача пайсалга солинмоқда. Яқинда таҳририятимизга Чирчиқдан қилинган эътирозли кўнгирокдан сўнг Аҳмад Яссавий номли маҳаллада бўлди. Таҳририятга мурожаат этган Светлана Ли истиқомат қилувчи 4-уйдаги аҳвол, айниқса, 38-, 39-, 40-хонадонлардаги вазият ачинарли.

(Давоми 2-бетда).



8 декабрь – Ўзбекистон
Республикаси Конституцияси
куни

ҲУҚУҚИЙ ДАВЛАТ ТАЯНЧИ

Миллий мустақилликнинг илк кунлариданоқ амалга оширилаётган демократик ислохот ва янгиланишлар замирида Ўзбекистон Республикаси Конституцияси тургани, унда инсон ҳуқуқлари ва эркинликларига оид халқаро тамойил ҳамда умумэтироф этилган қадриятлар ўз аксини топгани эътиборга лойиқдир. Мустақиллик йилларида миллий қонунчилигимизни яратишга киришилган экан, бу жараёнинг илк даврларидаёқ халқаро ҳужжатларга қўшилиш, қабул қилинаётган қонун ва бошқа қонунчилик ҳужжатларининг уларга тўла мувофиқ бўлиши таъминлашга ҳаракат қилинди.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг "Инсон ҳуқуқлари умумжаҳон Декларацияси" қабул қилинганлигининг 60 йиллигига бағишланган тадбирлар Дастури тўғрисида"ги Фармонида кўрсатиб ўтилганидек: "Инсон ҳуқуқлари умумжаҳон Декларацияси" Ўзбекистон Республикаси мустақилликка эришгандан кейин ратификация қилган би-

ринчи халқаро-ҳуқуқий ҳужжат бўлди. Демократик, ҳуқуқий давлат, кучли фуқаролик жамияти барпо этиш йўлини танлаган Ўзбекистон инсон ҳуқуқлари ва манфаатларини ривожлантириш ва давлат қурилишининг, бутун ички ва ташқи сиёсатининг энг устувор йўналиши этиб белгиланди.

(Давоми 2-бетда).

Маънавият

УЯЛИ ТЕЛЕФОННИНГ «КАРОМАТИ» КЎП

Таҳририятга мактуб йўллаган кекса муаллимлардан бири бугунги шиддаткор ахборот асрида ёшлар тарбиясига доир мулоҳазаларини баён этаркан, минг бир истихола билан нозик бир масалани ўртага ташлайди:

"...Ўқитувчилик қилишдан ҳам кўра "синф раҳбари" деган вазифанинг залвори оғир экан, – деб ёзади педагог. – Чекингизга тушган синф билан бир оиладек бўлиб кетаркансиз. "Оила" раҳбаримисиз, демак, унинг катта-кичик муаммолари ҳам сизга тан. Баъзан уйингиздаги тўрт фарзандингизни йўлга солишга қийналасиз-у, энди йигирма-ўттиз ўсмирнинг ташвишини айтинг. Ўзинча бир олам бўлган бу болаларнинг ҳар бири турли муҳитда улғайган, бинобарин, турфа феъл-атворли одамларнинг арзандаси.

(Давоми 2-бетда).

Нишондорларимиз

УСТОЗЛАРДАН ОЛГАНИНИ ШОГИРДЛАРИГА БЕРАЯПТИ

Гулчехранинг дадаси Аликул отанинг шахсий кутубхонаси бўлиб, турли-туман бадий адабиётларга тўла эди. Бўш вақти бўлди дегунча, китоблар билан диллашарди. Шунингдек, буви си халқ оғзаки ижодидан яхшигина хабардор эди. Ундан эшитган халқ эртақларию дostonлар Гулчехранинг адабиёт оламига қизиқишига туртки берган бўлса ажаб эмас.

Мактабни тугатгандан сўнг ҳеч иккиланмай, Гулчехран Давлат университетининг ўзбек филологияси факультетига ҳужжатларини топшириб, 1995 йилда ўқишни муваффақиятли битирди ва 53-умумтаълим мактабида педагогик фаолиятини бошлади. Орадан ўтган 20 йил давомида Гулчехра жамоанинг энг таҳри-

(Давоми 3-бетда).

САНОАТ ЯРМАРКАСИ: ҲАМКОРЛИК УЧУН ҚУЛАЙ ИМКОНИЯТ

Шу билан бирга келгуси йил учун бутловчи ҳамда тайёр буюмларни етказиб бериш ёки харид қилиш юзасидан шартномалар имзоламоқда.

Саноат ярмаркаси ва Кооперация биржаси бу йил ҳар қачонгиданда кизгин, самарали ва ишчанлик руҳида ўтаётган, деди вилоят иқтисодиёт бошқармаси бўлим бошлиғи Комилжон Ханнаров. – Виллоятимизнинг 120 дан зиёд корхона, кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик субъектлари кўргазмада иштирок этиш истагини билдиришди. 2013 йилги ярмаркада корхоналаримиз 2014 йил учун 77,4 миллиард сўмлик 139 та шартнома имзолаган бўлса, бу йил 101,6 миллиард сўмлик 140 дан зиёд шартнома тузилиши кутилмоқда.

Бекободдаги "Техно- (Давом. Боши 1-бетда).

saklam" масъулияти чекланган жамияти вакиллари ўзбекистоннинг турли ҳудудларидан келган ишбилармонлар билан ҳамкорлик ўрнатиш ва шартномалар тузиш юзасидан музокаралар ўтказишяпти. Келгусида маҳсулотларни экспорт қилишни режалаштиришган.

Саноатчилар форумида иштирок этаётган Чирчиқ трансформатор заводи (ЧТЗ) шу ойнинг бошида савдо-кўргазма марказини ишга тушириди. Бунга ўзбекистон саноатида муҳим аҳамиятга молик воқеа дейиш мумкин. Корхона маҳсулотлари савдо-кўргазма марказига жойлаштирилган, ҳар бир меҳмон уларнинг сифати ва ишончилигига гувоҳ бўлиши мумкин.

– ЧТЗ"нинг савдо белгиси МДХ мамлакатлари ва ундан ташқарида ҳам кўпчиликка маълум, –

деди корхона раҳбари Шерзод Ҳидоятлов. – "Ўзбекэнерго" компанияси, Навоий ва Олмалик кон-металлургия комбинатлари, "Ўзбекистон темир йўллари" ва "Ўз-кимёсаноат" компаниялари, Lukoil Uzbekistan Operating Company ва бошқа ташкилотлар корхонамиз мижозларидан. Бизда Европанинг етакчи ташкилотлари бўлган ABB, Siemens, Asea ва бошқа ташкилотлар корхонамиз мижозларидан. Бизда Европанинг етакчи ташкилотлари бўлган ABB, Siemens, Asea ва бошқа ташкилотлар корхонамиз мижозларидан.

– Бу йилги кўргазмада 20 дан зиёд корхонамиз муваффақиятли иштирок этиди, – деди Зангиота тумани ҳокимининг иқтисодиёт ва ижтимоий риқорларнинг масалалари бўйича ўринбосари Дилмурод Муҳамедов. – "Energy Motors", "Maxsus kiyim servis", "Dur



Qushbegi Biznes", "Azia Elektroizolyator", "Mega Craft", "Supernova furniture", "Ko'kam mebel invest" корхоналари вакиллари кўргазмадан катта таассуротлар билан қайтайдиган бўлишди. Виллоятимиз саноат маҳсулотлари ишлаб чиқариш бўйича республикада ўзига хос салоҳиятга эга. Маҳаллий ишлаб чиқарувчилар ички бозорни маҳсулотларга

тўлдириш билан бирга ташқи бозорга ҳам дадил кириб боришяпти. Бунда Халқаро саноат ярмаркаси ва Кооперация биржасининг аҳамияти катта. Хуллас, унда иштирок этаётганлар кам бўлишмаяпти.

VIII Халқаро саноат ярмаркаси ва Кооперация биржаси давом этмоқда. Хуришида ТУРСУНБОВЕВА, "Тошкент ҳақиқати" муҳбири.

Нишондорларимиз

УСТОЗЛАРДАН ОЛГАНИНИ ШОГИРДЛАРИГА БЕРАЯПТИ

Улар орасида ўқитувчилик касбини танлаганлари ҳам бор. Масалан, Дилором Маъмурова ва Зияда Йўлдошева устозларининг энг иқтидорли шогирдларидан ҳисобланишади. Яна бир шогирд Жаҳонгир Раҳмонов ўзбекистон Жаҳон тиллари университетини хитой тили мутахассислиги бўйича битириб, шу соҳада ишламоқда. Даврон Шербеков эса Техника университетини имтиёзли тугатиб, ҳозирги кунда Германияда фаолият юритмоқда.

Шогирдлар камоли – устознинг ютуғи, дейишади. У ҳам таълим берган собиқ ўқувчилари ҳаётида эришган муваффақиятларидан ичидан қувониш билан бирга ўзи ҳам устозларини тез-тез ёдга олади. Норқўзи Ўрозалиев, Рустам Раҳмонқулов сингари устозларнинг са-

боғи ҳалигача қулоқлари остида жаранглаб туради.

– Гулчехра мазмунли дарс ўтади, – дейди унинг ҳамкасби Орзукул Марқабоев. – Машгулотга бутун вужуди билан киришади. Янги педагогик технологиялар асосида дарс ўтишга ҳаракат қилади.

Ўқитувчиликдек шафли ва масъулиятли вазифани сидқидилдан адо этиб келаётган, ёш авлодни эзгулик, яхшилик, улуг инсоний фазилатлар сари ундаётган Гулчехра Рискүлова 2013 йилда "Халқ таълими аълочили" кўрак нишонига сазовор бўлган эди. Бу йил эса "Дўстлик" ордени билан мукофотланди.

– Мен ўқитувчи экан-

нимдан фахрланаман, – дейди у. – Касбимни жуда яхши кўраман. Ўз бурчимни адо этиш йўлидаги камтарона меҳнатим юксак мукофотга лойиқ топилганидан хурсандман. Менга билдирилган ишончнинг оқлаш учун эртанги кун бунёдкорларни Ватанга меҳрмуҳаббат ва садоқат руҳида тарбиялашга астойдил ҳаракат қилаётган.

Ҳамкасблари Гулчехра Рискүлова шу ўқув йилидан бошлаб маънавий-маърифий ишлар бўйича директор ўринбосари лавозимига лойиқ қўришди. Бу уни янгича ғайрат билан меҳнат қилишга ундамоқда.

Каримқул МАВЛОНОВ, "Тошкент ҳақиқати" муҳбири.

Партиялар ҳаёти

ДАСТУРИЙ МАҚСАДЛАР САРИ

Сайловолди дастурида кўзда тутилган вазифаларни бажариш ва электорат манфаатларини ҳимоя қилишда партия ташкилотлари изчил иштирок этиши лозим. Шу боис Ўзбекистон "Миллий тикланиш" демократик партияси Куйи Чирчиқ туман кенгаши сайлов жараёнида кенг қўламли дастурий мақсадларини амалга оширишга ҳаракат қилмоқда.



– Эндиликда сайлов ўтказувчи комиссия таркиби тузилган. Сайловларда сиёсий партиялар бирдек фаол иштирок этади, – дейди туман кенгаши раиси Омона Холиқова. – Сай-

ловчиларимизни сиёсий онгини ошириш мақсадида турли тадбирлар, семинарлар ташкил этилди.

Наргис ҲАСАНОВА, Даврон АХМАД олган сурат.

Матбуот анжумани

МУҲИМ ҲУҚУҚИЙ АСОС

Ўзбекистон матбуот ва ахборот агентлигида "Мамлакатимизда демократик ислохотларни янада чуқурлаштириш ва фуқаролик жамиятини ривожлантириш концепцияси"да тақлиф этилган қонулар лойиҳалари бўйича қилинаётган ишлар муҳокамасига бағишланган матбуот анжумани бўлиб ўтди.

Ўзбекистон Журналистлари ижодий уюшмаси ва Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Қонуний палатасининг Ахборот ва коммуникация технологиялари масалалари қўмитаси ҳамкорлигида ташкил этилган тадбирда давлат ва жамоат ташкилотлари вакиллари, оммавий ахборот воситалари етакчи ходимлари ҳамда олий ўқув юртлилари профессор-ўқитувчилари ва талабалар иштирок этди.

Концепцияда белгиланган вазифалар доирасида 2014 йил 5 майда қабул қилинган "Давлат ҳокимияти ва бошқаруви органлари фаолиятининг очиқлиги тўғрисида"ги Қонунда давлат ҳокимияти ва бошқаруви

органлари фаолияти ҳақида кенг жамоатчиликни хабардор қилиб бориш тартиблари аниқ белгилаб берилди. Бундан ташқари, "Оммавий ахборот воситалари фаолиятининг иқтисодий асослари тўғрисида", "Оммавий ахборот воситаларини давлат томонидан қўллаб-қувватлаш кафолатлари тўғрисида"ги янги қонулар лойиҳалари ишлаб чиқилди. Мазкур қонулар ОАВларнинг иқтисодий эркинлиги ва мустақиллиги, жамоатчиликни тезкор, ҳолис ахборот билан таъминлаш ҳамда оммавий ахборот воситаларини давлат томонидан қўллаб-қувватлаш учун муҳим ҳуқуқий асос бўлади.

Хуришида НАЗАРОВА.

Ҳуқуқий дарсхона

МЕҲНАТ ҚОНУНЧИЛИГИДА АЁЛЛАРГА ИМТИЁЗ

Мамлакатимизда оналик ва болалиқни муҳофаза қилиш, улар саломатлиги тўғрисида қайғуриш, аёллар меҳнат муҳофазасини таъминлаш, қўлай меҳнат шартинларини яратиш ҳозирги куннинг долзарб вазифаларидандир.

Аёллар меҳнатига сиз барча ҳуқуқлар қондирлар Ўзбекистон Республикаси Меҳнат кодексига тўла ифода этилган. Корхоналарда ишга қабул қилишда меҳнат шартномаси синон шарт билан тузилади. Аминко кодекснинг 84-модда учинчи қисми қўйилганча тахир қилинган. "Ҳомилдор, уч йилга тўлганга босари бор аёллар, корхона учун белгиланган минимал иш жойлари ҳисобидан ишга joyлантирилган шахслар, ўрта махсус, касб-хунар таълими муассасаларининг ҳамда олий ўқув юртлирининг тегишли таълим муассасасини тамомлаган кундан эътиборан уч йил ичида биринчи бор ишга қайраётган битирувчилари ишга қабул қилинганда, шунингдек, ходимлар билан олти ойгача муддатга меҳнат шартномаси тузилиб, ишга қабул қилинганда дастлабки синон белгиланмайдиган".

Бундан ташқари, ҳомилдор аёлларни енгилроқ ёки ноқулай ишлаб чиқариш омилилари таъсиридан ҳоли ишга ўтказиш, тўғри ишларда, иш вақтидан ташқари ишларда, дам олиш кунларидаги ишларда аёллар меҳнатини қўллаш ва уларни хизмат сафарига юборишни чеклаш мўлҳимлиги таъкидланади.

Шунингдек, Меҳнат кодексининг 228-моддасида шундай дейилган: "Уч йилга тўлганга босари бор, боджет ҳисобидан таъминлангандаги муассасалар ва ташкилотларда ишлайётган аёлларга иш вақтининг ҳафтасига ўттиз беш соатдан ошмайдиغان қисқартirilган муддати белгиланади".

Ушбу имтиёзларнинг барчаси ягона мақсад, яъни аёлларнинг бола парварши билан шуғулланишини таъминлаш, соғлом оилада соғлом болаларнинг камол топишини йўлга қўйишдан иборатдир.

Феруза МУСАЕВА, Бекобод тумани ФХД бўлими мудири, Насиб ШОМИРЗАЕВА, бўлими II тоифали инспектори.

Ҳар қандай сиёсий партиянинг салоҳияти, аъзоларининг кўп-озлиги, ўтказётган тадбирларининг савиясида кўринади.

– Биз ҳам сиёсий жараёнларни юксак савияда ташкил этишга бор қучимизни сафарбар этмоқдамиз, – дейди Ўзбекистон Либерал демократик партияси Бўка туман кенгаши раиси ўринбосари Орифжон Пўлатов. – Туман депутатлигига номзодларимиз, захираларимиз шакллантирилган. Тумани ишлар агар соҳа бўлганлиги учун номзодларимизнинг кўпчилигини фаол фермерлар, илгор тадбиркорлар ташкил этади.

Наргис МАМАТҚУЛОВА, Даврон АХМАД олган сурат.

Эгрилик ҳамиша панд беради

Инсон камолга етар экан, эл-юрт хизматига бўлишни ният қилади. Лекин, айрим ёшлар куч ва имкониятларини эзгу мақсадларга сафарбар этиш ўрнига ҳую-хавасларга берилиб, енгил-елпи ҳаёт тарзини танлайдилар. Афсуски, бу яхшиликка олиб келмаслиги аниқ.

Жумладан, судланувчи Жаҳонгир Асадов 2012 йилдан буюн Тошкент шаҳар "Электр тармоқлари корхонаси" очик акциядорлик компанияси Шайхонтоҳур тумани корхонасининг "Жарарик" ҳамда "Янги Белтепа" мавзелирида назоратчи вазифасида ишлаб келади. У ваколатини суистеъмол қилиб, шу йил февраль ойи бош-

ЖАРАЁН ҚАНДАЙ КЕЧМОҚДА?



ларида муҳожаат билан келган истеъмолчи фуқаро Мирсоби Мухамедовнинг арзидан фойдаланиб қолмоқчи бўлади.

М. Мухамедов "Эски Жарарик" маҳалласида яшовчи таниши Рихсибой Жамоловга нисбатан туман электр тармоқлари корхонаси томонидан электр энергиясидан фойдаланиш қоидаларини бузганлиги ҳақида далолатнома тузилганини айтиб, шу ишни "бир ёқлик" қилиш ва қарздорликни ҳам йўқотиш тўғрисида "огиз солади". Жаҳонгир бу масала ҳуқуқларида корхона мансабдор шахслари билан гаплашиб кўришини айтиди. Яъни, расмийлаштирилган далолатномага асосан ҳисобланган 2 миллион 819 минг 472 сўм қарзни тўламаслиги ва унинг хонадонига янги электр ҳисоблагич ўрнатиб беришни ваъда қилади. Эвазига унинг таниши 1 миллион 300 минг сўм бериши кераклигини кистириб ўтади.

Электр энергиясидан фойдаланиш қоидалари бузилганлиги ҳақидаги далолатномага асосан қайта ҳисоб-китоб қилинган тўлов суммасини тўламаган тақдирда унинг хонадони электр энергия-

НАФСИ ҲАҚКАЛА НАЗОРАТЧИ

ри билан гаплашиб кўришини айтиди. Яъни, расмийлаштирилган далолатномага асосан ҳисобланган 2 миллион 819 минг 472 сўм қарзни тўламаслиги ва унинг хонадонига янги электр ҳисоблагич ўрнатиб беришни ваъда қилади. Эвазига унинг таниши 1 миллион 300 минг сўм бериши кераклигини кистириб ўтади.

Электр энергиясидан фойдаланиш қоидалари бузилганлиги ҳақидаги далолатномага асосан қайта ҳисоб-китоб қилинган тўлов суммасини тўламаган тақдирда унинг хонадони электр энергия-

сидан узиб қўйилиши ва тўпланган ҳужжатлар мажбурий ундиришни таъминлаш мақсадида судга юборилишдан қўрққан Р. Жамолов Мирсоби билан пулни бериб юборади. Жаҳонгир эса, шу кунининг ўзидеёқ пулни олиб, ваъдасига вафо қилмай, ўз эҳтиёжларига сарфлаб юборади.

Суд судланувчи Ж. Асадовга нисбатан содир этган жиноятининг ижтимоий ҳавфлилик даражасини эътироф этган ҳолда, Ўзбекистон Республикаси Жиноят Кодексининг тегишли моддаларига асосан ҳар ойлик иш ҳақининг 25 фои-

зани давлат даромадида ундириб бориш шарти билан 1 йилу 6 ой муддатга ахлоқ тузатиш ишлари жазо турини тайинлашни лозим топди.

Кўриниб турибдики, тўғри йўл қўлиб, жиноят қўчасига кириш ҳеч қачон яхшиликка олиб келмайди. Аксинча, кишини разолат сари етаклайди.

Ойбек АМИНЖОНОВ, Ўзбекистон Республикаси Бош прокуратураси ҳузуридаги СВОЖХДЛКК Департаменти Шайхонтоҳур тумани бўлими инспектори.

ЭЪЛОНЛАР

"AGRO SANOAT MULK MARKAZI" МЧЖ очик аукцион савдоларига тақлиф этади!

"Agro sanoat mulk markazi" МЧЖда 2014 йил 2 декабр кун соат 11:00 да бошланган нарик ошиб бориш тартибига ўтказилган очик аукцион савдосига қўйилган мол-мулклар қўйилмоқда. I. Миробод туман СИБ томонидан, 2014 йил 13 майдаги 1-694-0071/13-сонли ижро варақасига асосан хатланган, "Space Arsenal Service" МЧЖ харима майдончасида савдоларига, 2008 йилда и/ч дав. бел. 01 L 548 LA бўлган "Неския" русумли автотранспорт воситаси. Бошланган нархи 26 114 000 сўм. II. Мирзо Улугбек туман СИБ томонидан, 2014 йил 30 июндаги 10-1412/7691-сонли ижро варақасига асосан хатланган, 1. Тошкент шаҳри, Бектемир тумани, Охангарон кўчаси, 2-уйда савдоларига, 2012 йилда и/ч дав. бел. 01 249 ASA бўлган "Shaanxi SX 5254 GJBH 334" русумли автотранспорт воситаси. Бошланган нархи 100 000 000 сўм. 2. Зангиота тумани "Замон Зафар Транс" МЧЖда савдоларига, 2012 йилда и/ч дав. бел. 01 430 DCA бўлган "Shaanxi SX 5254 GJBH" русумли автотранспорт воситаси. Бошланган нархи 100 000 000 сўм. III. Сергели туман СИБ томонидан, 2013 йил 17 октябрдаги ижро варақасига асосан хатланган, Сергели туман СИБ хуқуқда савдоларига, 2009 йилда и/ч дав. бел. 01 F 738 BA бўлган "Матиз"

русумли автотранспорт воситаси. Бошланган нархи 18 411 365,3 сўм. 2014 йил 18 ноябрь кун соат 11:00 да бўлиб ўтказилган очик аукцион савдоларига қўйилган мол-мулклар тақридан қўйилмоқда. I. Утегла туман СИБ томонидан, 2011 йил 03 февралдаги ижро варақа ва ахримга асосан хатланган, "Space Arsenal Service" МЧЖ харима майдончасида савдоларига, 2008 йилда и/ч дав. бел. 01 BG 167 бўлган "Лада 21074-110-30" русумли автотранспорт воситаси. Бошланган нархи 15 320 772 сўм. 2. 2008 йилда и/ч дав. бел. 01 BG 176 бўлган "Лада 21074-110-30" русумли автотранспорт воситаси. Бошланган нархи 15 320 772 сўм. 3. 2008 йилда и/ч дав. бел. 01 BG 217 бўлган "Лада 21074-110-30" русумли автотранспорт воситаси. Бошланган нархи 15 320 772 сўм. 4. 2008 йилда и/ч дав. бел. 01 BG 173 бўлган "Лада 21074-110-30" русумли автотранспорт воситаси. Бошланган нархи 15 320 772 сўм. 5. 2008 йилда и/ч дав. бел. 01 BG 224 бўлган "Лада 21074-110-30" русумли автотранспорт воситаси. Бошланган нархи 15 320 772 сўм. 6. 2008 йилда и/ч дав. бел. 01 BG 178 бўлган "Лада 21074-110-30" русумли автотранспорт воситаси. Бошланган нархи 15 320 772 сўм. 7. 2008 йилда и/ч дав. бел. 01 BG 159 сўм. 17. 2008 йилда и/ч дав. бел. 01 BG 238 бўлган "Бейли фотон шид" русумли автотранспорт воситаси.

автотранспорт воситаси. Бошланган нархи 15 319 803 сўм. 8. 2007 йилда и/ч дав. бел. 01 BG 157 бўлган "Хавей" русумли автотранспорт воситаси. Бошланган нархи 15 885 328 сўм. 9. 2007 йилда и/ч дав. бел. 01 BG 158 бўлган "Хавей" русумли автотранспорт воситаси. Бошланган нархи 15 670 882 сўм. 10. 2002 йилда и/ч дав. бел. 01 AP 651 бўлган "Неския" русумли автотранспорт воситаси. Бошланган нархи 21 195 654 сўм. 11. 1998 йилда и/ч дав. бел. 01 TH 480 бўлган "Неския" русумли автотранспорт воситаси. Бошланган нархи 19 701 328 сўм. 12. 2002 йилда и/ч дав. бел. 01 AY 260 бўлган "Дамас" русумли автотранспорт воситаси. Бошланган нархи 21 423 758 сўм. 13. 2000 йилда и/ч дав. бел. 01 AY 259 бўлган "Дамас" русумли автотранспорт воситаси. Бошланган нархи 20 199 235 сўм. 14. 2002 йилда и/ч дав. бел. 01 428 DAA бўлган "Дамас" русумли автотранспорт воситаси. Бошланган нархи 21 337 288 сўм. 15. 2004 йилда и/ч дав. бел. 01 AY 353 бўлган "Матиз" русумли автотранспорт воситаси. Бошланган нархи 17 340 061 сўм. 16. 2004 йилда и/ч дав. бел. 01 AY 358 бўлган "Матиз" русумли автотранспорт воситаси. Бошланган нархи 17 511 159 сўм. 17. 2008 йилда и/ч дав. бел. 01 BF 238 бўлган "Бейли фотон шид" русумли автотранспорт воситаси.

Бошланган нархи 39 295 864 сўм. II. Миробод туман СИБ томонидан, 2013 йил 22 февралдаги 5667/10-сонли ижро варақасига асосан хатланган, Тошкент шаҳар ИИББ Ахборот Марказида савдоларига, 2008 йилда и/ч дав. бел. 01 B 033 KA бўлган "Мерседес Бенц С180К" русумли автотранспорт воситаси. Бошланган нархи 66 807 272 сўм. Савдога қўйилган мулклар билан талабдор тегишли суд ҳужжатлари бўлмаганлигини вакиллари иштирокида бевосита жойига чиқиб танишлари мумкин. Аукцион савдоларига қатнашиш учун талабдорлардан аризалар эълон қилган кундан бошлаб ҳафтанга расмий иш кунлари соат 10:00 дан 18:00 гача қабул қилинади ва савдо бошланганга бир иш кун қолганда соат 16:00 да тўхтатилади. Аукцион савдосида қатнашган талабдорлар мулк бошланган нарининг 10 фоиздан кам бўлмаган миқдордаги закатат пулини ҳар бир иш кун учун алоҳида тартибда савдо ташкилотчи – "Agro sanoat mulk markazi" МЧЖнинг "Капиталбанк" АТБ Мирзо Улугбек филиалидаги қўйилган ҳисоб рақамига тўлашлари шарт: 20208000804948004002, МФО 01018, СТИР 302159464. Манзил: Тошкент шаҳар, Қўшгеби кўчаси, 18-уй. Тел.: 250-83-29. Гувоҳнома: 006388.

ОБ-ҲАВО МАЪЛУМОТИ

Республика Гидрометеорология марказининг хабар беришчида, 29 октябрь кун Тошкентда ҳаво ўзгариб туради, ёғингарчилик бўлмайди. Кечаси ва эрталаб туман тушиши мумкин. Шарқдан секундида 3-8 метр тезликда шамол эсади. Кечаси 1-3 даража совуқ, кундузи 8-10 даража илик бўлади.

Тошкент вилоятида ҳаво ўзгариб туради, ёғингарчилик бўлмайди. Айрим жойларда туман тушиши мумкин. Шарқдан секундида 7-12 метр тезликда шамол эсади. Кечаси 3 даража совуқ, 2 даража илик, кундузи 5-10 даража илик бўлади.

Республикаимизнинг тоғли ҳудудларида ҳаво ўзгариб туради, ёғингарчилик бўлмайди. Айрим жойларда туман тушиши мумкин. Шарқдан секундида 7-12 метр тезликда шамол эсади. Кечаси 3-8 даража совуқ, кундузи 3 даража илик бўлади.

